



ISSN 2091-5187

СЕРВИС

№1

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ
ЖУРНАЛ

2024



СЕРВИС

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ЖУРНАЛ 2024 йил, 1-сон

Муассис: Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2008 йил 31 декабрда
0561-рақам билан рўйхатга олинган.

ЎЗР ОАК Риёсатининг 19.03.2017 й., 239/5-сонли қарори билан эътироф этилган

**Тахририят ижодий
жамоаси:**

Бош муҳаррир:
и.ф.д., проф. М.Э.Пўлатов

**Бош муҳаррир
ўринбосари:**
и.ф.н., проф. Д.Х.Асланова

Масъул котиб:
и.ф.д., проф. М.Қ.Пардаев

Муҳаррирлар:
и.ф.д. Ф.А.Сафаров
катта ўқит. Ш.З.Ўразов

Техник муҳаррир:
и.ф.н., доц. А.Н.Холиқулов

Корректор:
PhD С.А.Бабаназарова

Саҳифаловчи:
ассис. Х.Н.Очилова

1 йилда 4 мартаба
чоп этилади.

**Ўзбекистон ҳудудида
тарқатилади.**

Тахририят манзили:
140100, Самарқанд шаҳар,
Амир Темура кўчаси, 9-уй,

тел.: +998(66)233-28-38,
+998(66)233-17-88

факс: +998(366)231-12-53
эл.почта:

samisiservis@inbox.uz

Тахририят кенгаши раиси:

М.Э.Пўлатов – Самарқанд иқтисодиёт ва сервис
институти ректори, и.ф.д., профессор

Тахририят кенгаши раиси ўринбосари:

Д.Х.Асланова – СамИСИ илмий ишлар ва
инновациялар бўйича проректори, и.ф.н., профессор

Тахрир кенгаши аъзолари:

Б.А.Бегалов – Ўзбекистон Республикаси Президенти
хузуридаги Статистика агентлиги директори, и.ф.д.,
профессор

М.Қ.Пардаев – СамИСИ профессори, и.ф.д.

Б.К.Ғоибназаров – и.ф.д., профессор.

М.М.Мухаммедов – СамИСИ профессори, и.ф.д.

Д.Р.Зайналов – СамИСИ профессори, и.ф.д.

О.М.Муртазаев – ТДИУ СФ директори, и.ф.д., проф.

М.Р.Болтабаев – ТДИУ профессори, и.ф.д.

Р.Х.Эргашев – ҚарМИИ профессори, и.ф.д.

И.С.Тўхлиев – СамИСИ профессори, и.ф.д.

К.Б.Уразов – СамИСИ профессори, и.ф.д.

Қ.Ж.Мирзаев – СамИСИ профессори, и.ф.д.

Б.И.Исроилов – ТДИУ профессори, и.ф.д.

Г.М.Шодиева – СамИСИ профессори, и.ф.д.

Б.Абдукаримов – СамИСИ профессори, и.ф.н.

Р.Қобилов – Самарқанд вилояти ҳокими ўринбосари

С.Н.Тошназаров – СамИСИ профессори, и.ф.д.

Р.Н.Нормахматов – СамИСИ профессори, т.ф.д.

А.Бектемиров – СамИСИ профессори, и.ф.д.

О.М.Пардаев – СамИСИ профессори, и.ф.д.

М.Т.Алимова – СамИСИ профессори, и.ф.д.

З.Дж. Адилова – ТДИУ профессори, и.ф.д.

Ш.О.Қувондиқов – СамИСИ профессори в.б., иқтисод
фанлари доктори

Л.Н.Халикова – СамИСИ профессори в.б., DSc

Ф.А.Сафаров – СамИСИ доценти в.б., DSc

Ғолиб Султонмуродович Мустафоев Қишлоқ жойларда хизмат кўрсатиш соҳасининг иқтисодий самарадорлигини баҳолаш	80
Marifat Umarovna Xudoyberdiyeva Xizmat ko‘rsatish sohasini rivojlantirishda kichik biznes va xususiy tadbirkorlikning ahamiyati	85
Askar Axrorovich Siddikov, Ahmadbek Nizomiddinovich Najmiddinov Xizmat ko‘rsatish korxonalarida innovatsion faoliyatni takomillashtirish yo‘nalishlari	87
ТУРИЗМ ВА МЕҲМОНХОНА ХЎЖАЛИГИ	
Muslimaxon Xolmatjon qizi Soxibova O‘zbekistonda ziyorat turizmi resurslarini samarali boshqarishning nazariy asoslari	90
Murodjon Rajabbayevich Matniyozov Methodological bases of formation of tourism image of the Khiva destination	96
Kamol Sharifovich Yuldashev Mustaqil turizm rivojlanishining evolyutsiyasi	100
Ўткир Дўснаевич Ражабов Ўзбекистонда диний туризм ривожланишининг салоҳияти ва истиқболлари	106
КИЧИК БИЗНЕС ВА ОИЛАВИЙ ТАДБИРКОРЛИК	
Gulnora Mardiyevna Shadiyeva Ra‘no Akbar qizi Qulmurodova Raqamli iqtisodiyot sharoitida kichik biznes va oilaviy tadbirkorlik – aholi turmush darajasini oshirishning bir omili sifatida	110
Saodat Toxirovna Toshaliyeva Mamlakatimizda kichik tadbirkorlik faoliyatini tashkil etish holati tahlili	114
Имомназар Эгамбердиевич Турсунов, Кермен Антоновна Наминова, Тулкин Саидахмедович Шарипов Развитие малого и среднего бизнеса в условиях цифровой экономики	118
Гулнора Мардиевна Шодиева, Дилноза Азаматовна Тоғаева Хизматлар кўрсатиш соҳасида оилавий корхоналарни ташкилий-иқтисодий механизмларини такомиллаштириш	123
Layli Baxtiyorovna Navruz-zoda Inson tadbirkorlik qobiliyatini baholash maqsadida uning sifat xususiyatlarini tasniflash	130
МЕНЕЖМЕНТ ВА МАРКЕТИНГ	
Navruzbek Zarifovich Niyatov Xizmat ko‘rsatish sohasida boshqaruv samaradorligini oshirish	134
Shahlo Akramovna Maripova Modern digital tools in small business management	138
Bekzodjon Oblakulov, Shakhnoza Narkulova Marketing Analysis of International Brand in the Case of Borjomi	143
Абдухолик Эгамович Тангиров Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида корхона бошқаруви ва уни ташкил этишининг моҳияти	147
Зулфия Мусаевна Усманова Перспективные направления совершенствования механизма управления персоналом	151
ИНВЕСТИЦИЯ	
Jahongir Ravshanbek o‘g‘li Hoshimov Yangi O‘zbekistonga xorijiy investitsiyalarni jalb etish holatining kompleks tahlili	155

Ўткир Дўснаевич Ражабов – Термиз давлат университети Туризм ва меҳмонхона хўжалиги кафедраси доценти (DSc)

ЎЗБЕКИСТОНДА ДИНИЙ ТУРИЗИМ РИВОЖЛАНИШИНИНГ САЛОҲИЯТИ ВА ИСТИҚБОЛЛАРИ

Аннотация: мақолада диний туризмнинг мазмуни ва моҳияти, эътиқодга асосланган туризм эканлиги, юртимизда турли динларга тегишли ноёб ёдгорликларнинг шу кунгача сақланиб қолганлиги ва муқаддас қадамжоларнинг мавжудлиги ички ва халқаро зиёрат туризми муҳитини яратиш имконини бериши таъкидланади. Айниқса, мусулмон сайёҳлар учун етарлича салоҳият мавжудлиги, бироқ шариат талабларидан келиб чиқиб, ҳалол меҳмонхона, ҳалол транспорт ва ҳалол ошхона каби шароитларни яратиш муҳимлиги батафсил ёритилган.

Калит сўзлар: диний туризм, зиёрат туризм, туризм бозорининг турли сегментлари, буддизм динига оид топилмалар, мусулмон сайёҳлар, муқаддас қадамжолар ва зиёратгоҳлар, ҳалол туризм.

Кириш. Туризм иқтисодий ривожлантиришнинг етакчи сердаромад тармоғи сифатида эътироф этилиб, кўплаб мамлакатларда соҳани кенгайтириш мақсадидаги саъй-ҳаракатлар ўтган асрнинг 80-90 йилларидаёқ бошлаб юборилган эди. Ўзбекистон Республикасида ҳам туризм соҳасини ривожлантириш, давлат томонидан қўллаб-қувватлаш ва иқтисодийдаги улушини ошириш мақсадида қатор меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ишлаб чиқилиб амалиётга татбиқ этилмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 5 январдаги ПФ-5611-сон Фармони асосида қабул қилинган “2019 – 2025 йилларда Ўзбекистон Республикасида туризм соҳасини ривожлантириш Концепцияси”га кўра туризм соҳасини миллий иқтисодийнинг стратегик соҳасига айлантириш, туристик хизматларни диверсификациялаш ва сифатини ошириш ҳамда туристик инфратузилмани такомиллаштириш вазифаси қўйилган.¹

Республикамизда ривожланган туризм бозорининг турли сегментларга йўналтирилган туристик маҳсулот ва хизматларини диверсификация қилиш, жумладан, мамлакатнинг зиёрат туризми салоҳиятидан келиб чиқиб, ички ва халқаро зиёрат туризми муҳитини яратиш, улар учун мақбул ва қулай транспорт йўналишлари ва хизматларини кенгайтириш, мамлакатимизнинг зиёратчилар учун хавфсиз манзил сифатидаги имижини мустаҳкамлашга кенг имкон берилмоқда. Шу билан бирга, халқаро туризм бозорида кечаётган таркибий ўзгаришлар ва аҳолининг хусусан, зиёрат туризми соҳасидаги жадал ўсаётган талаби шароитида ривожлантириш хусусиятлари ва тенденцияларини тадқиқ этиш ҳамда уни самарали ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий механизмини такомиллаштириш, ушбу соҳада юқори натижаларга эришган илғор хорижий мамлакатлар тажрибасини ўрганиш нуқтаи-назаридан масаланинг услубий ва амалий жиҳатларини очиб бериш долзарб аҳамият касб этмоқда.

Зиёрат туризмининг ривожлантиришдаги ўзига хослик барча зарурий шарт-шароитлар қаторида айниқса, мусулмонлар учун ҳалол ошхона, ҳалол меҳмонхона ва ҳалол транспортларнинг фаолият кўрсатишини рағбатлантириш ва ривожлантириш бўйича тегишли чора-тадбирларни амалга ошириш талаб этилади.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили. Зиёрат туризмининг ривожлантириш масалаларининг назарий-методологик жиҳатлари С.Ю.Житенев, М.Б.Биржаков ва Т.Т.Христов² каби хорижлик олимлар ҳамда мамлакатимизнинг зиёрат туризми салоҳияти ва ундан самарали фойдаланиш имкониятлари ва истиқболлари республикамизнинг А.А.Эштаев, А.Н.Норчаев, Г.П.Гулямова, М.Қ.Пардаев, И.С.Тухлиев ва Н.Э.Ибадуллаев каби етакчи олимларининг илмий-тадқиқот ишларида ёритилган.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 5 январдаги ПФ-5611-сонли “2019 – 2025 йилларда Ўзбекистон Республикасида туризм соҳасини ривожлантириш Концепцияси тўғрисида”ги Фармони <https://lex.uz/docs/4143188?ONDATE=24.05.2023>

² Житенев С.Ю. Религиозные паломничество в христианстве, буддизме и мусульманстве: социокультурные, коммуникационные и цивилизационные аспекты. М.: Индрик, 2012. с. 18.
Биржаков М.Б. Введение в туризм. – М.: «Издательский дом Герда», 2014.
Христов Т.Т. //Религиозный туризм// Учебник для вузов. М.: Издательство Юрайт, 2021.-338с. ISBN 978-5-534-13125-3

Тадқиқот методологияси. Тадқиқот иши давомида кузатиш, қиёслаш, тизимли ва қиёсий таҳлил каби усуллардан фойдаланилган.

Таҳлил ва натижалар. Туризм назарияси ва амалиётдан маълумки, туризм соҳаси мамлакатлар, ҳудудлар, шаҳарлар ва қишлоқлар ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг энг муҳим драйвери ҳисобланади. Жаҳон минтақаларида туризм, тадбиркорлик соҳаси сифатида ривожланиб, аҳоли бандлиги ва ўз-ўзини иш билан таъминлашни фаоллаштириш, шаҳар муҳитини яхшилаш, маҳаллий ҳамжамиятнинг турмуш сифати ва солиқ тушумларини яхшилашга хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикасида туризмнинг кўплаб, тарихий ва маданий туризм, экологик туризм, тиббий туризм, ёшлар туризми, гастрономик туризм, спорт туризми, қишлоқ туризми ва диний туризм турларини юқори даражада ривожлантириш салоҳиятининг мавжудлиги кузатувчилар ва мутахассислар томонидан эътироф этилмоқда. Хусусан, Марказий Осиёда ўтмишдан турли дин вакиллари буддавийлик, яҳудийлик, мусулмонлар, христианлар ҳамжиҳатликда яшаб келганлар. Узоқ ўтмиш ва бой тарихга эга юртимиз дунёнинг турли жойларида яшайдиган турли дин вакиллари учун диний туризм турларини ташкил қилиш имкониятини берувчи бой зиёрат туристик ресурслари салоҳиятига эга. Шу кунгача юртимизда турли динларга тегишли ноёб ёдгорликлар сақланиб қолган. Жумладан, Ўзбекистондаги буддизм динига оид топилган археологик топилмалар буддизм дини вакиллари жалб қилишга имкон беради.

Буддизм учта йirik динларнинг энг қадимийси ҳисобланса-да, Ўзбекистон ҳудудларида шу кунгача кўплаб буддавийлик обидалари сақланиб қолган. Мисол учун қадимги Кушонлар даврида буддизм ва буддавийлик маданиятининг маркази Термиз шаҳри атрофидаги “Қора тепа”, “Фаёзтепа” ҳудудлари бўлганлиги археологик топилмалар орқали исботини топган. Бу эса буддизм динига итоат этувчи Таиланд, Вьетнам, Тибет ва Япония каби давлатларда истиқомат қилувчи буддистларда қизиқиш уйғотади.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси зиёрат туризмининг ривожлантириш учун қулай манзил ҳисобланади. Ўзбекистон Ислом маданияти ўчоғи, уни дунёга кенг танитадиган улуг ислом оламида чуқур из қолдирган Имом Бухорий, Ҳаким ат-Термизий, Исо ат-Термизий, Имом Мотуридий каби кўплаб машҳур олимларнинг қабрлари жойлашганлиги ислом дини вакилларига шариат қонун-қоидалари асосида шароит яратиш орқали, маҳаллий ва халқаро туризмни ривожлантириш имконини беради.

Зиёрат туризми диний туризмнинг таркибий қисми, ажралмас бўлаги, кичик тури бўлиб, пайдо бўлишига диний қарашлар, эътиқод ва урф-одатлар сабаб бўлади. Зиёрат туризми диний туризмнинг дастлабки бўғини кишилик жамияти пайдо бўлгандан бошлаб инсонлар муқаддас жойларга сайёҳат қилишган. Диний туризм кенг тушунчани англатиб, эътиқодга асосланган, турли динлар қоришмасидан ташкил топган, турли кўринишда уюштирилган диний мавзудаги сайёҳатлар мажмуини англатади. Диний соҳадаги мавзу диний сайёҳатнинг асосий сабаби бўлиши мумкин. Диний туризм нафақат маълум бир муқаддас жойга зиёрат қилиш, балки авлоддан-авлодга ўтиб келаётган қадрият ва анъаналарни давом эттириш, оламдан ўтганларни хотиралаш, ибодат талабларини бажариш, диний манбаларни ўрганиш ниятидаги сафарлар, диний маросимлар, анжуманлар ва тадбирларда иштирок этиш мақсадидаги сайёҳатларни жамлайди.

Ўзбек тилининг изоҳли луғатида ёзилишича, зиёратчи, бу муқаддас жойларга зиёратга борган ёки борувчи киши тушунилади.¹ Демак зиёратчининг маълум муддатга доимий яшаш жойидан узоқлашиб, ҳақ тўланадиган фаолият назарда тутилмаган сайёҳатига зиёрат туризми иборасини қўллаш мумкин. Зиёрат туризмидан кишилар руҳий қониқиш олади, кўнгли хотиржам бўлади ва диний эҳтиёжи қондирилганлигини ҳис қилади.

Аҳолида ахборот олиш имкониятининг кенгайганлиги, аҳоли даромадларининг ўсиши ва зиёратчилар учун қулай инфратузилманинг ривожланиши диний туризмнинг сегментланган бозорга айланишига сабаб бўлди. Диний туризм маҳаллий туристик бозор сегментациясидан чиқиб халқаро туризм бозорининг алоҳида сегментига айланди ва

¹ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 2-жилд. – Тошкент: ЎЗМЭ, 2006.– Б.148.

туризмнинг энг жадал ривожланаётган йўналишларидан бири сифатида қатордан жой олди.

Зиёрат туризми ёки диний туризм туристларни сайёҳатга ундовчи алоҳида ўзига хос хусусиятларга эга. Сайёҳат мотиви эътиқод, диний мажбуриятлар ва қарашлар, ҳис-туйғулар бўлиши мумкин. Туризмнинг бошқа йўналишларида сайёҳатга чиқиш учун аҳолининг даромадлари ва бўш вақти катта рол ўйнаса-да, диний туризмда эътиқодли кишиларга ибодат қилишлари ёки диний мажбуриятларини бажариш устунлик қилади ва озгина имконият бўлган тақдирда сайёҳатга интилишади. Шу билан бирга, ўзларининг алоҳида талаби билан ажралиб туради. Мисол учун мусулмон сайёҳлар шариат талабларидан келиб чиқиб, ҳалол меҳмонхона, ҳалол транспорт ва ҳалол ошхона, ибодат қилишлари учун номозхоналарга талаб билдиришса, вегетарианлар учун гўштсиз таомлар муҳим ҳисобланади.

Диний туризмнинг муҳим хусусияти ҳам шундаки, ҳар бир диннинг талабларини, қонун-қоидаларини билиш ва шундан келиб чиқиш ривожланишига кўпроқ имкон беради.

Диний туризмнинг ривожланиши ва ўрни муқаддас жойларнинг мавжудлиги, аҳолининг диний маданияти ва қарашлари, мамлакатда олиб борилаётган диний сиёсатнинг таъсири ва туризм соҳасидаги ислоҳотларнинг самарадолигига боғлиқ.

Ўзбекистонда диний туризмни ривожлантириш бўйича салмоқли ишлар амалга оширилди. Диний бағрикенглик ва эркинлик тамойили доирасида, турли динлар ва миллатлараро тотувлик, дунёвий давлат ва дин орасидаги муносабатларнинг мустақкам ҳуқуқий асослари яратилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 9 февралдаги ПФ-6165-сонли “Ўзбекистон Республикасида ички ва зиёрат туризмини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги [Фармони](#)га кўра, Рамазон ҳайити (Ийд ал-Фитр) ва Қурбон ҳайити (Ийд ал-Адҳа) диний байрамларини нишонлаш даврида кўшимча ва кўчириш ҳисобига ишланмайдиган кунлар уч кундан кам бўлмаган муддатга белгиланди. Бухоро шаҳрида ислом дини тарихи ва мусулмон оламида машҳур бўлган шахслар тўғрисида маълумот берувчи инновацион музейни қуриш, Самарқанд шаҳрида ислом дини, минтақадаги мавжуд дин намояндалари мероси ва моддий маданий мерос объектларини акс эттирувчи тематик хиёбонни яратиш вазифалари белгилаб қўйилди.¹

Ўзбекистон Республикасининг диний муқаддас жойларини зиёрат қилиш, маданий-тарихий ва диний мероси, анъаналарини ўрганиш мақсадида қирувчи хорижий фуқаролар учун 2 ойгача бўлган муддатга бериладиган зиёрат визаси “Piligrim visa” жорий этилди.²

Янгиланаётган Ўзбекистон учун диний туризмнинг ривожланишида зиёрат қадамжоларининг ўзига етарли эмас. Зиёратчиларнинг ибодат амалларини бажариши учун етарлича шарт-шароит бўлиши, келиб - кетиши, жойлашиши, овқатланиши ва маълумотларга эга бўлишига замонавий инфратузилмалар шаклланган бўлиши керак.

Хулоса ва таклифлар. Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, Ўзбекистоннинг диний туризм соҳаси катта салоҳиятга эга. Президентимиз Ш.М. Мирзиёев 2023 йил 17 октябрда Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтган Бутунжаҳон туризм ташкилоти бош ассамблеяси 25-сессиясидаги нутқида мамлакатимизда зиёрат туризмини ривожлантириш истиқболига тўхталиб, “Зиёрат туризми дастури доирасида сайёҳатга келувчилар сонини ҳозирдан уч баробарга оширамиз. Ана шу эзгу мақсадда табаррук зиёрат масканларининг географияси кенгайтирилиб, уларнинг ягона харитаси яратилмоқда.

Самарқандда улғу мутафаккир бобомиз Имом Бухорий ҳазратлари хотирасига бағишлаб бунёд этилаётган мухташам меъморий мажмуа бу борадаги улкан лойиҳаларимиздан бири бўлишига ишонаман” деганлари ҳам бежиз эмас.³

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 9 февралдаги ПФ-6165-сонли “Ўзбекистон Республикасида ички ва зиёрат туризмини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони <https://lex.uz/docs/5283956>

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 5 январдаги ПФ-5611-сонли “2019 – 2025 йилларда Ўзбекистон Республикасида туризм соҳасини ривожлантириш Концепцияси тўғрисида”ги Фармони <https://lex.uz/docs/4143188?ONDATE=24.05.2023>

³ Улкан сайёҳлик салоҳиятининг ёрқин эътирофи. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Бутунжаҳон туризм ташкилоти бош ассамблеяси 25-сессиясидаги нутқи. // Халқ сўзи газетаси 2023 йил 17 октябрь №220 (8563)

Амалга оширилаётган чора-тадбирлар ва яратилаётган шарт-шароитлар туфайли, диний туризмда ўсиш тенденцияси кузатилаяпти. Айниқса, юртимизга ташриф буюраётган мусулмон сайёҳлар оқими йилдан-йилга ортиб бормоқда. Аммо сайёҳлар оқимини янада ошириш, уларда Ўзбекистон ҳақида янада яхшироқ таассурот қолишига хизмат қилувчи жозибадор туризмни яратиш бугунги куннинг асосий вазифасига айланиши керак. Жумладан, мусулмонлар учун шариатга мувофиқ, маъкул бўлган қулай ибодат жойлари, ҳалол сертификат ва стандартларга эга ҳалол хизматлар таклифини кўпайтириш, яратилган қулайликлар ҳақида маълумот берувчи рақамли платформалар ва мобил иловаларни ишлаб чиқиш ва тарғиб қилиш зарур.

Мукаддас қадамжолар ва зиёратгоҳлар, юртимизда яшаб ўтган ва мангу қўним топган уламоларнинг илмий мероси ҳақидаги маълумотларни шакллантириш, аҳоли учун маданий-маиший хизмат қиладиган мажмулар қурилишида ва лойиҳалашда мусулмонлар учун қулай ибодат жойлари бўлишлигини ҳисобга олиш, зиёратчиларга хизмат кўрсатиш сифати ва маданиятини ошириш, туристлар хавфсизлигини таъминлаш, диний туризмнинг барқарор ривожланишига хизмат қилиши билан бирга, диний, дўстона туризм йўналишида амалга ошириладиган ишлар ҳам маҳаллий зиёратчиларга, ҳам хорижий зиёратчилар учун манфаатли бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

- 1.Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 9 февралдаги ПФ-6165-сонли “Ўзбекистон Республикасида ички ва зиёрат туризмни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони <https://lex.uz/docs/5283956>
- 2.Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 5 январдаги ПФ-5611-сонли “2019 – 2025 йилларда Ўзбекистон Республикасида туризм соҳасини ривожлантириш Концепцияси тўғрисида”ги Фармони <https://lex.uz/docs/4143188?ONDATE=24.05.2023>
- 3.Улкан сайёҳлик салоҳиятининг ёрқин эътирофи. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Бутунжаҳон туризм ташкилоти бош ассамблеяси 25-сессиясидаги нутқи. // Халқ сўзи газетаси 2023 йил 17 октябрь №220 (8563)
- 4.Житенев С.Ю. Религиозные паломничество в христианстве, буддизме и мусульманстве: социокультурные, коммуникационные и цивилизационные аспекты. М.: Индрик, 2012. с. 18.
5. Биржаков М.Б. Введение в туризм. – М.: «Издательский дом Герда», 2014.
- 6.Христов Т.Т. //Религиозный туризм// Учебник для вузов. М.: Издательство Юрайт, 2021.-338с. ISBN 978-5-534-13125-3
- 7.Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 2-жилд. – Тошкент: ЎЗМЭ, 2006.– Б.148.

<p style="text-align: center;">У.Раджабов Потенциал и перспективы развития религиозного туризма в Узбекистане</p>	<p style="text-align: center;">U.Rajabov Potential and prospects for the development of religious tourism in Uzbekistan</p>
<p>Аннотация: в статье отмечается содержание и суть религиозного туризма, то, что этот туризм основан на вере, что в нашей стране до наших дней сохранились уникальные памятники, принадлежащие разным религиям, что наличие святых мест позволяет создать среду для внутреннего и международного паломнического туризма. Подробно освещается наличие достаточного потенциала для туристов-мусульман, необходимость создания таких условий, как халяльная гостиница, халяльный транспорт и халяльная кухня, в соответствии с требованиями шариата.</p> <p>Ключевые слова: религиозный туризм, паломнический туризм, различные сегменты туристического рынка, буддийские находки, туристы-мусульмане, святые места и святыни, халяльный туризм.</p>	<p>Abstract: the article notes the content and essence of religious tourism, that this tourism is based on the belief, that in our country unique monuments belonging to different religions have been preserved to this day, that the presence of holy places allows us to create an environment for domestic and international pilgrimage tourism. The presence of sufficient potential for Muslim tourists, the need to create such conditions as a halal hotel, halal transport and halal cuisine, in accordance with the requirements of Sharia, are covered in detail.</p> <p>Keywords: religious tourism, pilgrimage tourism, different segments of the tourism market, Buddhist findings, Muslim tourists, holy sites and pilgrimage sites, halal tourism.</p>

ISSN 2091-5187

∞ “СЕРВИС” ∞

Журнал Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти таҳририят
бўлимида нашрга тайёрланди.

06.03.2024 йилда теришга берилди. 29.03.2024 йилда босишга рухсат этилди.
Офсет босма қоғози. Қоғоз бичими 60x84_{1/8}. “Times” гарнитураси. Офсет
босма усули. Шартли босма табоғи 15,76. Ҳисоб-нашриёт
табоғи 12,5. Адади 100 нусха. Буюртма № 0024А/30.

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтининг
матбаа бўлимида чоп этилди.
Лицензия № 025316.
Реестр № Х-119112.

Манзил: Самарқанд шаҳри, Шохрух кўчаси, 60-уй.

© Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти, 2024.